АСОСИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИЛГАН АЙРИМ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

М. А. Холиқова
ТВЧДПИ
holiqova19811@mail.ru

Ҳ. Х. Матниязова
Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, ТВЧДПИ
matniyazova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Самарқанд вилоятида асосий экин сифатида экилган соя навларининг муҳим морфохўжалик белгиларидан бири бўлган битта ўсимликдаги ҳосилдорлик кўрсаткичи ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра хорижий навларда Қозоғистон навларидан Нена нави, Россия навларидан Спарта нави ва маҳаллий навлардан Орзу навида дуккаклаш ва 1000 та дон оғирлиги бўйича юқори кўрсаткич қайд этилди.

Калит сўзлар: соя, асосий экин, хўжалик, дуккак

FERTILITY INDICATORS OF SOME LOCAL AND FOREIGN SOY VARIETIES PLANTED AS MAIN CROPS

M. Kholiqova
Teacher of CSPI

H. X. Matniyazova
Institute of Genetics and Experimental Biology of Plants

ABSTRACT

In this article, the yield index of a single plant, which is one of the important morphological features of soybean varieties planted as the main crop in Samarkand region, was studied. According to the data, foreign varieties have a high yield of Nena from Kazakhstan, Sparta from Russia and Orzu from local varieties.

Keywords: shade, main crop, farm, legume.

КИРИШ

Республикамизда бугунги кунда, дуккакли экинлар, жумладан, соянинг янги навларини яратиш, синаш ва муайян тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш, серҳосил, сифатли, экологик тоза дон маҳсулоти етиштириш,

сақлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш агротехнологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда (1). Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бўшаб қолган ерларга мойли экинларни жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни жорий этиш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, соя навларини мақбул экиш усуллари, меъёрлари ва суғориш тартибларини ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади (2).

Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ерларда республикамиздаги кенг майдонларга энг кўп экилаётган навлар танлаб олиниб пуштага экиш йўли билан асосий экин сифатида хорижий ва маҳаллий соя навларининг 14 хил нави экилди (7).

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотларимиз 2019 йилда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида олиб борилди.Тадқиқот манбаи сифатида маҳаллий ва хорижий соя навларида морфологик белгилардан ҳосилдорлик белгиси ўрганилди. Тадқиқот объекти сифатида Россия селекциясиниг Селекта-302, Селекта- 301, Селекта-201, Дуар, Чара, Арлетта, Спарта, Вилона, Амиго навлари ва Қозоғистон селекциясининг Нена ва Эврика – 357 навлари, маҳаллий навлардан Генетик-1, Сочилмас, Орзу навлари асосий экин сифатида 10 май куни экиб ўрганилди.

Соя ўсимлиги дуккакларининг шаклланишида ҳам навларининг биологик хусусиятлари, суғориш ва озиқлантириш тартиблари жуда катта аҳамиятга эга. Х.Атабаеванинг илмий тадқиқот натижаларини кўрсатишича, соя ўсимлигида гуллаш бошланишдан 10-15 кун ўтгач, поянинг пастки ярусларида дуккаклар ҳосил бўла бошлайди ва гуллаш ҳамда дуккакларнинг шаклланиши поянинг пастки қисмидан юқори қисмига қараб навбат билан вужудга келади. Вужудга келган тўлиқ дуккаклар ҳам секин-аста сарғайиб, пишиш фазасини ўтайди (4).

Кузатишлардан маълум бўлишича, соянинг эртапишар навларида бир дуккакнинг ривожланиши 14-17 кунни, ўрта пишар навларда 20-25 кунни, кечпишар навларида эса 25-30 кунни ташкил қилади. Дуккакнинг ривожланиш жараёни нав хусусиятлари, тупроқ ва иқлим шароитларига боғлиқдир (5).

НАТИЖАЛАР

Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитларида асосий экин тарзида экилган турли хорижий ва маҳаллий соя навларининг биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятларидан ўсимликнинг дуккаклаш фазаси ўрганилганда қуйидагича кўрсаткичларга эга бўлинди.

Дуккаклаш белгиси буйича юқори кўрсаткичга (1-жадвал) хорижий Қозоғистон навларда Нена нави (мос равишда 58,20±10) , Россия навларида Спарта нави (мос равишда 59±8), маҳаллий навларда Орзу нави (мос равишда 82±7), энг паст кўрсаткич эса хорижий Қозоғистон навларда Эврика-357 нави (мос равишда 30,2±2) , Россия навларида Амиго нави (мос равишда 26,3±2) ва маҳаллий Генетик-1 навида (мос равишда 56,5±5) кузатилди. Орзу навида дуккакланишнинг яхши бўлишига сабаб бу навнинг Ўзбекистон иқлими шароитига мослиги ва тез пишарлиги билан боғлиқ.

Самарқанд вилоятида экилган хорижий ва маҳаллий соя навларинг дуккаклар сони, дона.

1-жадвал.

№	Навлар	$\bar{x}$	G	V
1	Нена	38,7±3	7,81	20,16
2	Эврика 357	30,2±2	6,45	21,33
3	Селекта 302	31±2	6,03	20
4	Селекта 301	33,6±4	12	36
5	Селекта 201	41,40±9	28,6	69
6	Спарта	59±8	23,7	40,1
7	Вилона	31,5±4	12	37,1
8	Дуар	33,40±2	6,47	19,36
9	Амиго	26,3±2	6,8	26
10	Чара	55±7	20	36,01
11	Арлетта	57,3±7	21	37
12	Орзу	82±7	23	28
13	Генетик-1	56,5±5	15,2	28
14	сочилмас	75,9±8	25,22	33,27

МУҲОКАМА

Дон оғирлиги белгиси бўйича юқори кўрсаткичга хорижий Қозоғистон навларда Нена нави (мос равишда 161,5±5) , Россия навларида Спарта нави (мос

равишда 167,9±5), маҳаллий навларда Генетик-1 (мос равишда 134,9±4), энг паст кўрсаткич эса хорижий навларида Вилона нави (мос равишда 93,4±1), ва маҳаллий Сочилмас навида (мос равишда 123±4) кузатилди. Генетик-1 навида дуккакланишнинг яхши бўлишига сабаб бу навнинг Ўзбекистон иқлими шароитига мослиги ва тез пишарлиги билан боғлиқ.

Самарқанд вилоятида экилган хорижий ва маҳаллий соя навларинг 1000 та дон оғирлиги кўрсаткичлари

2-жадвал

№	Соя навлари	1000 та дон оғирлиги
1	Эврика-357	128,2±4
2	Селекта -302	142,5±8
3	Селекта -301	121,1±4
4	Нена	161,5±5
5	Селекта -201	125,6±6
6	Спарта	167,9±5
7	Вилона	93,4±1
8	Дуар	100,5±5
9	Амиго	132,2±5
10	Чара	124,9±7
11	Арлетта	156,5±4
12	Орзу	124,5±6
13	Генетик-1	134,9±4
14	Сочилмас	123±4

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитларида турли хорижий ва маҳаллий соя навларининг биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятларидан ўсимликнинг дуккаклаш фазаси ўрганилганда хорижий Қозоғистон навларида Нена нави, Россия навларида Спарта нави ва маҳаллий навларда Орзу навида юқори кўрсаткичга эришилди.

100 грамм дон оғирлиги буйича эса хорижий Қозоғистон навларида Нена нави, Россия навларида Спарта нави ва маҳаллий навларда Генетик-1 навида юқори кўрсаткичга эришилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Xoliqova M.A., Matniyazova H.X.. « Soya o‘simligining botanik va biologik tasnifi hamda ahamiyati ». // “Barqaror rivojlanishda uzluksiz ta’lim:Muammo va yechimlar” Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ilmiy ishlar To‘plami Tom II 21-24 may, 2019 yil Chirchiq sh. 318-319 bet.
2. У. Норқулов, О.Сотторов, Ш.Ахмурзаев. « Суғориш тартибларининг соя навлари дуккаклар сонига таъсири». // Агро илм- Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги . 2019 йил Махсус Сон.25 бет
3. Атабоева. Соя. Тошкент 2004 й.
4. М.Саттаров, Р.Саитканова, Н.Отамирзаев, Б.Қодиров, Ҳ.Идрисов, Н.Туйғунов, Б.Қаландаров, М.Аҳтамов, М.Ҳайитов, М.Рахманов. “Самарқанд вилоятида соя етиштириш агротехнологияси”. // Тавсиянома. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти. Тошкент – 2017
5. Т.Э.Остонақулов, Н.Х.Халилов, М.Қ.Луков, С.Т.Санаев. «Такрорий экинлар фаровонлик манбаи». Қўлланма . Самарқанд-2017.
6. Н.Халилов, З.Артиқов.интернет маълумотлари.
7. Kholiqova Mokhichekhra Azamatovna, Matniyazova Khilola Khudoybergenovna and Ismagilova Gulnoza Sayfullaevna. Morpho-economical Indicators of Some Local and Foreign Soybean Varieties Planted as Main Crops. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192 7319-7321б.
8. Matniyazova H. Kh, Nabiyev S. M, Abzalov M. F., Kholiqova M. A., Yuldashev O. Some Physiological Indicators of Domestic and Foreign Soybean Varieties under Different Water Regimes. International Journal of Science and Research (IJSR). ResearchGate Impact Factor SJIF Volume 8 Issue 9, September 2019. 389-392 bet.
9. М. А. Холиқова, Ҳ. Ҳ. Матниязова, А. А. Азимов. ”Такрорий экин сифатида экилган соянинг айрим маҳаллий ва хорижий навларининг морфохўжалик кўрсаткичлари”. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. №3 (81) 2020 йил. 110-113бет.

REFERENCES

1. Xoliqova M.A., Matniyazova H.X.. « Soya o‘simligining botanik va biologik tasnifi hamda ahamiyati». // “Barqaror rivojlanishda uzluksiz ta’lim:Muammo va yechimlar” Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ilmiy ishlar To‘plami Tom II 21-24 may, 2019 yil Chirchiq sh. 318-319 bet.
2. У. Норқулов, О.Сотторов, Ш.Ахмурзаев. « Суғориш тартибларининг соя навлари дуккаклар сонига таъсири». // Агро илм- Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги . 2019 йил Махсус Сон.25 бет.
3. Атабоева. Соя. Тошкент 2004 й.
4. М.Саттаров, Р.Саитканова, Н.Отамирзаев, Б.Қодиров, Ҳ.Идрисов, Н.Туйғунов, Б.Қаландаров, М.Аҳтамов, М.Ҳайитов, М.Рахманов. “Самарқанд вилоятида соя

етиштириш агротехнологияси”. // Тавсиянома. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти. Тошкент – 2017.

5. Т.Э.Остонақулов, Н.Х.Халилов, М.Қ.Луков, С.Т.Санаев. «Такрорий экинлар фаровонлик манбаи». Қўлланма . Самарқанд-2017.
6. Н.Халилов, З.Артиқов.интернет маълумотлари.
7. Kholiqova Mokhichekhra Azamatovna, Matniyazova Khilola Khudoybergenovna and Ismagilova Gulnoza Sayfullaevna. Morpho-economical Indicators of Some Local and Foreign Soybean Varieties Planted as Main Crops. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192 7319-7321б.
8. Matniyazova H. Kh, Nabiyev S. M., Abzalov M. F., Kholiqova M. A., Yuldashev O. Some Physiological Indicators of Domestic and Foreign Soybean Varieties under Different Water Regimes. International Journal of Science and Research (IJSR). ResearchGate Impact Factor SJIF Volume 8 Issue 9, September 2019. 389-392 bet.
9. М.А.Холиқова, Ҳ.Ҳ.Матниязова, А.А.Азимов. ”Такрорий экин сифатида экилган соянинг айрим маҳаллий ва хорижий навларининг морфохўжалик кўрсаткичлари”. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. №3 (81) 2020 йил. 110-113бет.